



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 9 январь, № 5 (9176)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ҚУДРАТИ

ЖАНГОВАР МЕҲНАТ, ҚАДРИЯТЛАР ВА САДОҚАТ БИЛАН ЯНАДА ЮКСАЛАДИ



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Бу дунёда ҳар бир миллатнинг келажак орзулари ва мақсади бўлади. Бу мақсадлар ва орзу-умидлар эса, асосан, армия ва унинг қудратига боғлиқ. Миллий армиямизга нисбатан муҳаббат, фақат унинг аскарларига ёки қуролларига бўлган эҳтиром эмас, балки у мамлакатнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Бу муҳаббат жанговар меҳнат, урф-одат ва миллий қадриятларимиз билан янада юксалади. Армия ҳар бир давлатнинг келажаги, мустақиллигининг гаровидир. Янги Ўзбекистонимизнинг миллий армияси ўз ҳарбий қадриятларига эга бўлиб, унинг барча аскарлари вазифаларини виждонан ва самарали бажаришга интилади. Миллий армиямизга бўлган муҳаббат, бу — Қуролли Кучларимиз таркибига ўзининг шижоати, масъулияти ва жанговар сифатлари билан ҳиссасини қўшиб келаётган ҳар бир аскарнинг мақсадга эришиш учун турли мутахассислик соҳаларида жонбозлик кўрсатаётган ҳарбий хизматчиларимизнинг жанговар меҳнати, инсонпарварлиги ва ватанпарварлигига бўлган эҳтироми.



Жанговар меҳнат, буюк келажагимиз, давлатимиз ҳамда халқимиз тинчлиги учун жонини фидо қилишга тайёр мард ва жасур ҳарбийларимизнинг кўп йиллар давомида тўплаган ҳарбий маҳорати, матонати ва серқирралиги билан қўшган ҳиссаси, миллатимиз учун мўлжалланган тинчлик ва барқарорлиқнинг асосий омилларидандир.

Миллий армиямизга нисбатан муҳаббат, нафақат ҳарбий хизмат ва жанговар вазиятларда кўрсатиладиган матонат, балки миллий урф-одатларимизга

ва қадриятларимизга нисбатан туташ ва боғлиқдир. Бизнинг халқимизнинг улкан тарихий мероси, қадимий урф-одатлари ва анъаналарини қадрлаш миллий армиямиздаги ҳар бир жонқуяр аскарнинг юрагидagi садоқатини ёритади.

Ўзбек миллатининг босиб ўтган тарихий ўтмишига назар солар эканмиз, маърифатпарвар, фидойи, элпарвар ва озодлик учун кураш олиб борган жадидчи боболаримизнинг бой меросини, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти-

ни ўрганиш орқали, адолат ва тенгликни, илм-маърифатни, миллий ўзлиқни асраш гоёларини илгари суриб, кураш майдонига мардонавор чиққанини унуттишга ҳаққимиз йўқ, албатта. Бу улғу боболаримизнинг мақсади жаҳолатга қарши илм ва маърифат ҳамда қоқоқлик ва маънавий қашшоқ халқни дунёвий илм-фан, касб-хунар билан қуроллантириб, халқимиз ўртасида қадриятли муносабатларни шакллантиришдан иборат бўлган.

Улар томонидан янгича ёндашувдаги мактаблар, кутубхона, театр ва музейлар, газета ҳамда журналларнинг чоп этилиши, халқимизни уйғотиб, уларни илм олишга бор куч-ғайратларини сарфлашга ундади ва бу ишлар ҳарбий жамоаларнинг миллий ва жанговар руҳини оширишга, гоёвий жангчи шахсини шакллантиришга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишида маънавий озуқа бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Миллий армиямизга муҳаббат, бу — буюк халқимизга, унинг ўтмишидаги авлодларига, тил ва маданиятга, урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат ва эъзозни англатади. Миллий армиямиз нафақат давлат хавфсизлигини таъминловчи институт, балки миллатнинг маънавий-руҳий асосларини, урф-одатларини ва қадриятларини сақловчи, уларга садоқатли бўлиш йўлида ёрдамчи кучдир.



ЮРТ РАВНАҚИГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎЛЛАНМА



Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси ташаббуси билан “ЎзЛТИНефтьгаз” акциядорлик жамиятида Президентимизнинг парламент ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни тушунтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинар

Тадбир давомида иштирокчиларга белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти, уларни амалга ошириш масалалари атрафлича тушунтирилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда барча соҳалар қатори нефть-газ тармоғида ҳам кенг қўламли ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқариш қувватларини кучайтириш, замонавий технологияларни жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, саноатни маҳаллийлаштириш ва миллий кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган стратегик дастурлар муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси: ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛИ

Бугун жаҳонда кечаётган шиддатли глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги тебранишлар ва технологияларнинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши ҳар бир давлатдан нафақат мослашувчанликни, балки узоқни кўзлаган стратегик ҳушёрликни ҳам талаб этмоқда. Энергия бозорларидаги трансформация ва глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши шароитида Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини янгича ёндашувлар асосида белгилаб олиши давр тақозосидир.

Акс садо

“Мақсад — ҳаракат — натижа” занжирига асосланган мутлақо янги стратегик режалаштириш ва ривожлантириш тизими нафақат давлат бошқарувининг, балки жамиятимиз ҳаётининг бош мезонига айланди. Шу маънода, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг янги талаблар асосида такомиллаштирилиши биз, Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Биз интилаётган асосий мақсад — давлат бошқарувини тўлиқ халқ хизматига

йўналтириш ва унинг самарадорлигини халқаро стандартлар даражасига кўтариш. Бу борада Стратегияда белгиланган вазифалар низоҳатда салмоқли. Жумладан, давлат фуқаролик хизматида лавозимларни эгаллаш 100 фоиз малака даражасига асосланган карьера модели бўйича, очик танловлар орқали амалга оширилади. Бу тизим таниш-билишчилик иллатига чек қўйиб, иқтидорли мутахассисларга кенг йўл очади. “Edu.bsa.uz” платформаси ва “Давлат хизматчиси” мобил иловаси орқали кадрлар малакасини ошириш ва бошқариш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилади.



ИЛМ-ФАН — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Заминимиз қадимул-айёмдан қилни қирқ ёрган аҳли дониш, уламолар ва нафис сўз хикматлари соҳиблари, аҳли шуаролар Ватани бўлганига бу кўҳна дунё гувоҳ. Не-не донишманд аждоқларимизнинг муҳташам ва беназир илмий ҳамда адабий меросининг бугунгача олам аҳли зақосига чироқ тутиб келаётгани эътироф этилган ҳақиқат. Узун замонлар силсиласида юртимизда самарали фаолияти билан чуқур из қолдирган “фан уйлари” — “Байтул-хикма”лар, Маъмун академияси жаҳон илми тарихида жиддий из қолдирганлиги маълуми машҳур. Давримизда юртимизнинг бош “байтул-хикма”си, албатта, Фанлар академиясидир.

Муносабат

Бугун Ўзбекистоннинг ақли солим, зеҳну зақоси расо фуқаролари, илмнинг чин муҳиблари шижоатли Юртбошимизнинг оқилона ва одилона давлатлари билан учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улғувор мақсад билан сый-ҳаракат қилмоқда, табиийки, асосий ҳадафимиз бўлмиш юртимизнинг порлоқ истиқболига эришмоқ айнан шунини талаб этади.

Дарҳақиқат, мамлакат ва жамиятнинг барқарор тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб

бўлмайди. Айниқса, дунёда глобал рақобат кучайиб бораётган, интеллектуал салоҳият ҳал этувчи омилга айланаётган бугунги шароитда Янги Ўзбекистонда фундаментал илмий тадқиқотларни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифа сифатида қараётгани бежиз эмас. Фундаментал тадқиқотлар янги назарий билимлар яратилиши, илмий мактаблар шаклланиши, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустақкам замин ҳозирлайди.



ҚОНУН ПОСБОНЛАРИ ВА АДОЛАТ ҲИМОЯЧИЛАРИ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда бир неча йиллардан буён 8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органи ходимлари куни сифатида нишонланиб келинапти. Ушбу сананинг айнан янги йилнинг илк кунларида кенг тантана қилиниши прокуратура тизими олдида турган янги ҳамда муҳим вазифаларни белгиллаб олиш имконини ҳам бермоқда.

Шукур



Анъанага кўра, кеча Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ташкил этилганлигининг 34 йиллиги ва 8 январь — Прокуратура органлари ходимлари кунига бағишлаб пойтахтимиздаги муҳташам “Туркистон” санъат саройида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъуллари, Олий Мажлис ҳамда Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва

идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратуралари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Мажбурий ижро бюроси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ходимлари, шунингдек, фахрийлар иштирок этди.



ФАҚТ ВА РАҚАМЛАР

2026
йилда:

ҳар бир маҳаллада
40 тадан
микролойҳани амалга ошириб,
360 минг
аҳолини ишли қилиш учун
маҳалла банкirlлари ва ҳоким
ёрдамчиларига яна
7,5 триллион
сўм ресурс ажратилади;

ана шундай амалий ишлар туфайли жорий йилда
1 миллион одам доимий иш билан таъминланиб,
181 минг оила камбағалликдан чиқарилади;

камбағаллик ва ишсизлик даражаси
4,5 фоизга туширилади;

шу билан бирга, камбағалликдан холи
маҳаллалар сони **3,5 мингтага** етказилади.

Сенатда муҳокама қилинган эди

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган одил судлов соҳасидаги ислохотларнинг асл мақсади — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этишдаги ролини кучайтириш.

Шу мақсадда сўнгги йилларда низоларни муқобил усуллар орқали ҳал этишга катта эътибор берилиб, ҳакамлик судлари фаолияти йўлга қўйилди ва “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонун билан уни ташкил қилиш ҳамда фаолиятининг ҳуқуқий асоси қонун даражасида мустаҳкамланди.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 287 та ҳакамлик суди рўйхатдан ўтган бўлиб, уларда 1 500 дан ортиқ ҳакамлик судьялари фаолият юритмоқда. Қонунчиликка биноан мазкур судлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида содир бўладиган ҳужалик низоларини ҳал этувчи нодавлат органи бўлиб, маъмурий, оила ва меҳнат-ҳуқуқий муносабатларда юзага чиқувчи, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа низолар ечими билан шуғулланмайди.

Ҳакамлик судлари фаолияти таҳлил қилинганда улар



иш жараёнида айрим қонун-бузулишларга йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланди.

Хусусан, ҳакамлик битими тарафи сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органи бўлган ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорларини тўғридан-тўғри ижрога қаратиш ҳолатлари кузатишмоқда. Масалан, 2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган ҳакамлик судлари томонидан чиқарилган 47 та ҳал қилув қарори ваколатли суднинг ижро варақаларини бериш бўйича ажримлари бўлмаса-да, газначилик ва моллия органлари томонидан тўғридан-тўғри ижро этилган.

Бундан ташқари, ҳакамлик

судларини ташкил қилишдаги таъсирчан талаблар мавжуд эмаслиги натижасида улар ўз ваколатига қиймай қийиб, Давлат бюджетидан 215,3 млрд. сўм ундирилган.

Ўзи қонунчиликда давлат органларига ҳакамлик судлари қарорларини ихтиёрий ижро этиш бўйича тақиқ белгиланмаганлиги натижасида ушбу органлар томонидан ҳакамлик судларининг қонуний қарорлари ижро варақасисиз тўғридан-тўғри ижрога қаратилиши натижасида бюджетдан 582 та ҳолатда 156,3 млрд. сўм асосиз тўловлар амалга оширилган.

Бу каби муаммолар эса зудлик билан барраф этилишини тақозо қилади. Шу мақсадда “Ҳакамлик судлари фаолияти янада такомиллаштирилиши ҳамда бюджет интизоми кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида муҳокамадан ўтказилди.

Қонун билан бир неча кодекслар ва қонунларга қўшимча ва қонунларга қўшимча қилмаслик бўйича суд муҳокамаси иштирокчиларига тегишли мажбурият юклав ва уни бузганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда. 2019 —

Бундан ташқари, қонунда ҳакамлик судлари судьяларининг билим ва кўникмаларини ошириш тартибини кенгайтириш, Бюджет кодексига газначиликда рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар асосида товар, иш ва хизматларни қабул қилиб олганлик ҳолатини бюджет интизомини бузиш сифатида белгилаш ҳамда қонунчиликда ҳакамлик суди қарорларини ижро этиш бўйича ижро варақаси бўлмаган тақдирда, давлат органлари томонидан уларнинг ихтиёрий ижроси учун жавобгарликни назарда тутиш, Давлат бюджетидан пул маблағларини ундириш билан боғлиқ суд буйруқлари устидан шикоят қилиш имкониятини яратиш каби ўзгаришлар ҳам кўзда тутилмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши эса ҳакамлик судлари фаолиятининг янада яхшиланishiга, Давлат бюджетдан қонуний қийимларнинг олди олинишига, улар томонидан адолатли қарорлар чиқарилишига ва қонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилаш орқали давлат манфаатлари ҳимояланишига хизмат қилади.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси аъзоси.

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси:

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛИ



Бундан ташқари, аҳоли ва тадбиркорлардан сўраладиган 110 дан ортиқ маълумот ва ҳужжатлар бекор қилиниши, давлат хизматларининг 40 фоизи ҳуқуқий секторга ўтказилиши фуқароларимизнинг оғирини енгиллаштириш йўлидаги улкан қадамдир. Мурожаатларнинг камида 80 фоизи маҳаллий даражада ҳал этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашнинг энг муҳим омилли бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги глобал иқтисодиётда рақобатга чидамли бўлиш учун фақатгина замонавий технологиялар эмас, балки юқори интеллектуал салоҳиятли кадрлар ҳам қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ёшлар салоҳиятини рўйбга чиқариш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Бизнинг мақсадимиз — ёшларни замонавий касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўргатиш орқали уларнинг жаҳон меҳнат бозориди рақобатбардорлигини ошириш. Бу борада эса 86 минг нафар ёшга халқаро имтиҳон харажатлари тўлиқ қоплаб берилади. “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали 3 млн. йигит-қиз хорижий тилларни бепул ўрганади. IT ва сунъий интеллект соҳасида 300 минг ёш иш билан таъминланади, “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида ҳар йили 15 минг иқтидор соҳиб халқаро даражада тайёрланади. Шунингдек, навқирон авлод ўртасидаги ишсизлик даражасини 15 фоиздан 11 фоизга тушириш, ҳар йили 500 нафаргача мутахассисни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш орқали

иқтисодиётимиз учун зарур кадрлар захираси яратилади.

Фан ва таълим йўналишида биз эскирган ёндашувлардан воз кечиб, халқаро стандартларга ўтмоқдамиз. Эндликда ўқув дастурлари билимни шунчаки ёдлашга эмас, балки танқидий фикрлаш, муаммо ечиш ва амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилди. “STEM”, ахборот-технологиялари ва муҳандислик фанларини ўқитишда амалиёт формати устувор бўлади.

Умуман айтганда, Стратегияда белгиланган мақсадлар шунчаки рақамлар эмас, бу халқимизнинг фаровон яшashi, давлат идораларининг шаффоф яшashi ва ёшларимизнинг дунё билан бўйлашиши учун ишлаб чиқилган аниқ ечимлардир. Биз, депутатлар ушбу ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан қатъий парламент назоратини ўрнатиш ва ҳар бир мақсаднинг ихросини таъминлашда бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг тақдири — ҳар биримизнинг бугунги фаолиятимиз ва ислохотларга бўлган дахлдорлигимизга боғлиқ.

Жаҳонгир МАМАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БОЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Болалар — жамиятнинг энг ҳимояга муҳтож қатлами бўлиб, уларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал камолоти мамлакатнинг келажақ тараққиётини белгилаб беради. Бугунги глобаллашув ва жадал ислохотлар шароитида эса бу масала янада долзарб-лашди. Айнан болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда ҳам давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.

Янги қонун лойиҳаси



Хусусан, бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир махсус қонунчилик базаси яратилиб, уни ижро этиш юзасидан самарали ҳуқуқий механизм йўлга қўйилди. “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Мазкур қонун билан болаларга нисбатан зўравонликнинг 6 та шаклига таъриф берилиб, уларни содир этишни тақиқлаш ҳамда қонунан таъқиб қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Ҳужжатда болаларга нисбатан салбий муносабатларнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар ва уларни самарали амалга ошириш механизми ўз аксини топди.

Шунингдек, ҳимоя ордери бериш, жабрланган ёки хавф остидаги болага комплекс ёрдам кўрсатиш, боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф ту-

тилганда уни қонуний вакиллари қарамоғидан олиб қўйиш каби таъсирчан механизмларга асос солинди.

Жойларда мазкур ҳужжатнинг ихросини тўғри ташкил этиш, жамиятда бу салбий иллатга нисбатан муроасизлик муҳитини шакллантириш, кўзимизнинг оқу қораси деб эъозлалганимиз — мурғак фарзандларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш мақсадида Президентимизнинг “2026 — 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди.

Ушбу стратегия ўз олдида жуда катта вазифаларни қўйган. Аввало, қерда бўлмасин, болалар учун хавфсиз муҳит яратиш, бирор нуқлай шароитдаги ўғил-қизларни эрта аниқлаш ҳамда жабрланган ёки зўравонликка гувоҳ болаларга комплекс ёрдам кўрсатишни назарда тутди.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда мавжуд айрим бўшлиқлар зўравонликдан жабрланган шахсларга қўмак беришда тўлиқ ҳуқуқий механизмларни таъминлаш, мавжудларини янада такомиллаштириш тақозо этмоқда.

Яқинда Олий Мажлис

Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бу каби муаммоларга барҳам беришга қаратилгани билан жуда аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжат асосида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда аёлларни реабилитация қилиш марказларига зўравонликдан жабрланган шахслар манфаатларини қўлаб судларга давлат божи тўламаддан мурожаат этиш ва суд мажлисларида уларнинг вакили сифатида қатнашиш ҳуқуқи берилмоқда. Бундан ташқари, жабрланувчилар махсус марказларда бўлган даврда уларнинг иш жойи ва лавозимини сақлаб қолиш кафолатланмоқда. Миллий қонунчилигимизга “боланинг энг устун манфаатлари” деган тўшунчани киритиш тақлифи илгари сурилмоқда.

Айтиш мумкинки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг воғая етмаган фарзандларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоялаш механизмларини янада кучайтиради. Зеро, болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва муҳофазага олиш орқали тараққиётнинг мустаҳкам асоси яратилади.

Имомназар ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ХАВФСИЗЛИК — ХОТИРЖАМЛИК ОМИЛИ

“Тинчлик билан эл кўқарар” дейди доно халқимиз. Шу жиҳатдан, тинчликни нафакат эъозлаш, балки уни сақлаш учун курашиш ҳар қачонгидан-да долзарб масалага айланмоқда. Парламент юқори палатасининг ўн иккинчи ялпи мажлисида халқимиз учун ниҳоятда қадрли бўлган ушбу неъмат билан боғлиқ масалалар кўрилди.

Хусусан, Сенат йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама этилди.

Унда таъкидландики, мамлакатимиз, шаҳримиз ва ҳар бир маҳаллада тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш учун барчамиз бирдек масъулимиз.

Жаҳонда технология ривожланиши билан турли электрон ускуналар, жумладан, портатив лазерли нур тарқаткичлар ҳам кенг оммалашмоқда. Бу қўрилмалар кўп ҳолларда кўнгилочар ва таълим мақсадларида ишлатилади. Бироқ улардан қонуний ёки номувофиқ фойдаланилиши жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид туғдиради.

Хусусан, самолётларнинг учини ёхуд қўшни пайтида уларга лазер нурлари йўналтирилиши қўшни ёки парвоз жараёнида экипаж диққатини қалғитиб, ҳалокат хавфини оширса, жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ходимларига лазер нурларини йўналтириш кўзнинг вақтинча кўрмай қолишига,

бу эса содир этилиши мумкин бўлган тартибсизликларнинг олдини олишда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мазкур қонун билан амалдаги қонунчиликка маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ҳамда таънч пунктларининг таркибини, уларда хизмат қилувчи инспекторларнинг ваколатларини аниқлаштиришга, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан тузилган маъмурий баённомаларни кўриб чиқиш ҳамда жазо чорасини қўллаш ваколатига эга шахсларни аниқлашга, шунингдек, портатив лазерли нур тарқаткичларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлик белгилашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Қонуннинг қабул қилиниши эса маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш ишлари самарадорлигини оширишга йўл очди.

Шунингдек, Сенат ялпи мажлисида “Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими янада такомил-



ритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Бу билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, “Қўрол тўғрисида”ги ҳамда “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонунларга қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Масалан, ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида совуқ қўролни олиб юриш ҳуқуқбузарлигини бир йил давомида тақорбан содир қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш кўзда тутилди. Унга кўра, ушбу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ҳуқуқбузарлик ашвларини мусодара қилиб ёки мусодара этмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача даражада жарама солишга ёки ўн беш суткагача муддатта маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 126-модда-си тўртинчи — саккизинчи қисм-ларида назарда тутилган оилавий

зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик судланганларга судланганлик ҳолати тугаллангандан ёки олиб ташланганлигидан ёхуд амнистия акти қўлланилгандан кейин ўн йил давомида руҳсатнома бермасликка сабаб бўлади. Агар ҳуқуқбузарда ўқотар қўрол мавжуд бўлса, уни ва ўқ-дорилари олиб қўйилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ичкиликка ружу қўйган шахсларни мажбурий давола-нишга юбориш учун бир йил мобай-нида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортиш эмас, балки бир йил давомида бир марта маъмурий жавобгарликка тортилганлик асос бўлиши белгиланмоқда. Бунда шахсини мажбурий даволашга му-ҳто деб топиш ваколатини олис ҳудудларда ихтисослаштирилган ту-манлараро тиббий комиссияларга ҳам бериш, шунингдек, наркологик экспертизаларни ўтказиш учун их-тисослаштирилган туманлараро тиббий комиссия тузилдиган олис ҳудудлар рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирли-ги томонидан тасдиқланиши назарда ту-тилмоқда.

Қонунчиликка бу каби ўзгаришлар-нинг киритилиши юртимизда осу-даликнинг омилли бўлиш билан бир-га маҳаллаларда хавфсиз муҳитни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликлар-нинг сезиларли даражада қамийи-шига хизмат қилади.

Марям ННЁЗОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



Анвар МУХАММАДОВ оғон суратдор.

Тадбир Давлат маҳиясини жамоавий жүр бўлиб қўйлашдан бошланди. Барчанинг қалбини фахр-ифтихорга тўлдирган Ватан мадҳидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаментининг раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шерзод Асодов давлатимиз раҳбарининг прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Табриқда қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори прокуратура органлари фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Тизим хо-

димлари халққа яқин бўлиб, инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, қонун устуворлиги ва адолатни бевосита жойларнинг ўзида таъминлай бошлади.

Айниқса, улар доимий қабуллар ташкил этиб, фуқаролар муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Биргина ўтган йилда қарийб 512 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тиклангани, 54 мингга яқин мурожаатлар, жумладан, салкам 29 минг нафар тадбиркорнинг масаласи ечиб берилгани прокуратура фаолияти самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура

органлари ходимлари қуни муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига кўра ходимларга мукофотларни топишириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Нодира Ҳакимова ҳамда Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев томонидан юксак мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топирилиди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ўтган йиллар давомида амалга оширилган ислохотлар натижасида прокуратура органлари фаолияти ҳам тубдан ўзгарди. Тадбирда соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, яқин ишчиболда прокуратура органлари олдидан турган устувор вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан соҳа вакиллари прокуратура органлари тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чоралар, эътибор ва ғамхўрлик учун халқимиз ва давлатимизга миннатдорчиқ билдириб, эл-юрт манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилиш олий саодат эканини яна бир бор қайд этишди.

Тадбирда концерт дастури намойиш қилиниб, унда таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган кўй-қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Ботир КАЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби:

— Давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимлари ва фахрийларига йўллаган табригини мароқ билан тингладим. Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудларда қонунчиликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолиятида очиқлик ва жавобгарликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада прокуратура органларининг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамланди, халқ билан мулоқот си-

фат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Биз, фахрийлар ўз тажрибаларимизни “Устоз — шогирд” широйи остида ёшларнинг билим ва кўникмаларини оширишга йўналтирдик.

Давлат мукофотида сазовор бўлиш мен учун катта шараф. Бу эътирофни бутун прокуратура жамоаси, мен билан елкадош бўлиб хизмат қилган ҳамкасбларимнинг меҳнати самараси сифатида баҳолайман. Ишончим комилки, прокуратура органлари келгусида ҳам халқ ва давлат манфаатларига садоқат билан хизмат қилишда давом этади.

Жамшид ЗАРИПОВ,
Жиззах вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи, “Жасорат” медалли соҳиби:

— Соҳадаги янгиланишлар прокуратура тизими фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилляпти.

Жиззах вилоятида ҳам мазкур йўналишларда аниқ натижаларга эришилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Жиззах вилоятига ташрифи давомида ҳудудни комплекс ривожлантиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилган. Жумла-

дан, йўл инфратузилмасини яхшилаш, энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, саноатни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу топшириқлар ижроси устидан қонунчиликни таъминлаш, лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли баҳарлилик, бюджет ҳамда инвестиция маблағларидан мақсадли фойдаланилиши бўйича назоратни амалга оширмоқда.

Давлат мукофотида сазовор бўлиш мен учун катта ишонч ва масъулият. Бу эса келгусида янада ғайрат билан ишлашга, халқ ва давлат манфаатларига содиқ хизмат қилишга ундайди.

Нигина ГАЙБАЕВА,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи, “Шухрат” медалли соҳиби:

— Сўнгги йилларда барча ҳудудларда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунини, айниқса, юртимизда истикомат қилаётган хотин-қизлар ҳам ўз ҳаётида хис этиб яшашапти.

Президентимиз табриғида ҳам айтилдики, бугун хотин-қизлар ҳамда ёшларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича янги механизмлар жорий этилган икжобий натижа бермоқда. Шу маънода, бизнинг вилоятимизда ҳам зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг мурожаатларига тезкор ҳамда қонуний ечим топиш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти.

Менга берилган давлат мукофоти нафакат юксак ишонч, балки янада масъулият билан фаолият юритиш, халқ манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш учун катта руҳий куч бағишлайди. Бундан кейин ҳам ишонча жавобан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида ва адолатли ечим топиш, коррупцияга қарши кура

«Бундай мураккаб вазиятда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва конструктив муносабатларни янада мустаҳкамлаш, вазмин ва оқилона очик ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган фаолиятимизни давом эттираимиз».

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан).

Янги Ўзбекистоннинг дўстона, оқилона ва ташаббускорона ташқи сиёсати самаралари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинган 2025 йил поёнига етди. Дунё миқёсида эса биз яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар, давлатлар ўртасидаги иқтисодий қарама-қаршиликлар, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган таҳликали йилни яқунладик. Шунга қарамай ўтган йилда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган Янги Ўзбекистоннинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган дўстона ташқи сиёсати туфайли халқро муносабатлар соҳасида улкан ютуқларга эришдик.

Нуктаи назар

Миллат сардори Ўзбекистон ва БМТ муносабатлари тарихида янги саҳифа очди

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, мустаҳкам миллий ҳуқуқий тизим ва очик фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидаги кенг кўламли ҳамда шиддатли ислохотлар дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Масалан, 2025 йилда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари индексида Ўзбекистон 19 поғона юқори кўтарилиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида энг жадвал ривожланаётган мамлакат сифатида қайд этилди.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси тақдим қилинган анжуманда қатнашган хорижий давлатлар элчиларига алоҳида мурожаат этиб, **“Биз билан алоқаларни кенгайтириб, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини фаол қўллаб-қувватлаётгани учун мамлакатларингиз ҳуқуматларига алоҳида ташаккур билдираман”**, дея таъкидлагани бежиз эмас. Президентимиз, шунингдек, нуфузли халқро ва минтақавий ташкилотлар, жаҳон иқтисодий ва молиявий институтлари билан яқин ҳамкорлик янги босқичга олиб чиқишига эътиборни қаратди.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 18-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширади”.

Шу мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асосга таяниб, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлигини изчил давом эттирмоқда. Бинобарин, “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам мамлакатимиз дунёнинг барча мамлакатлари билан манфаатли ҳамкорлик қилишга ва БМТ ҳамда унинг институтлари билан амалий мулоқотга ҳамisha тайёргили таъкидланган.

Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланувчи дипломатия соҳасида ҳамкор давлатлар билан икки томонлама, қўшни мамлакатлар билан минтақавий, асосий халқро ташкилотлар доирасида эса кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликка катта аҳамият қаратётганини таъкидлаш лозим.

Давлатимиз БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқро шартномалардаги мақсад ҳамда принципларга содиқ бўлиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларини изчил ва оғишмай бажариб келмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг халқро ташаббуслари асосида, хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 15 та резолюцияси қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари 2017 йилдан буён БМТ бош миқбарида беш марта нутқ сўзлади ва айнаи воқелик Янги Ўзбекистон шу қисқа даврда БМТнинг энг фаол ҳамда ташаббускор аъзоларида бирига айланганини ва мазкур нуфузли ташкилот билан ҳамкорлигини мутлақо янги даражага кўтарилганини яққол тасдиқлайди.

Эътибор беринг: Президент Шавкат Мирзиёев бундан 5 йил олдин БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Бош Ассамблея тарихида ilk мартаба ўзбек тилида нутқ сўзлади. Бундан саккиз йил олдин эса давлатимиз раҳбарининг БМТ бош миқбаридаги дастлабки нутқида буюк алломо бобомиз Имом Бухорий ҳазратларининг муборак номлари халқро ҳамжамиятининг ушбу нуфузли анжуманида тарихда биринчи бор баралла янграгани.

Сўнгги йилларда БМТ билан ҳамкорлик бемисл даражага кўтарилиб, 160 та қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида ташкилотнинг асосий тузилмалари ва институтлари, жумладан, БМТ-Хабитат ва ЮНИСЕФ раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюрди, Тошкентда “БМТ-Аёллар” тузилмасининг ваколатхонаси очилди.

Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси БМТ билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири сифатида қўрилади. Бугун мамлакатимизда демократиянинг замонавий ва инсон ҳуқуқлари мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизими барпо этилган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар ва барча даражадаги суд ҳокимияти фаол ишламоқда.

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг 19-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади.

Янги Ўзбекистонда Конституцияга ва мамлакат қонунларига ҳурмат туйғуси кучаймоқ-

да, “Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида” устувор принципи ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбекистон БМТ тузилмалари, бошқа халқро ва минтақавий ташкилотлар билан инсон ҳуқуқларини илгари суриш ҳамда ҳимоялаш масалалари бўйича ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган шартномаларнинг бажарилиши бўйича БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарига 50 дан ортик миллий маърузалар ўз вақтида тақдим этилиши таъминланди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга оид Жаҳон дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда. Шу мақсадда Янги Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим миллий дастури изчил амалга ошириляпти.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва унинг махсус тартиб-таомиллари билан фаол ҳамкорлик давом этаётди. Ўзбекистон БМТнинг турли органлари тавсиялари асосида етти та миллий ҳаракат режасини амалга оширмоқда. Булар, жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисида”ги 1325-сонли резолюциясини амалга ошириш; аёлларга нисбатан камситишларга қарши курашиш; иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари; Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар тавсияларини амалга ошириш; терроризмга қарши курашиш ва бола ҳуқуқлари бўйича режалардир.

Янги Ўзбекистон 2025 йилда БМТнинг фуқаросизлиқни бартараф этиш бўйича тавсияларини бажариш борасида тарихий ютуққа эришди ва бу муваффақият декабрь ойида Женевадаги Миллатлар саройида ўтказилган анжуманларда эътироф этилди. Гап шундаки, 1991 йилдан 2016 йилгача, бор-йўғи, 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2017 йилдан 2025 йилгача 85 мингдан ортик кишилар Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди.

Бугунги кунда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)ни рўёбга чиқариш, рақамли трансформацияни ривожлантириш, давлат хизматларини кўрсатишда инновацион ечимларни жорий қилиш, давлат бошқаруви институтлари самарадорлигини тубдан ошириш бўйича илғор халқро тажриба алмашиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистон БРМнинг Глобал индекси бўйича энг илғор бешта давлат қаторига кирди. БРМга эришиш доирасида БМТ билан ҳамкорлиқнинг янги беш йиллик дастурини имзолаш қутилмоқда. Давлат хизмати масалалари бўйича форум биргаликда ташкил этилди. Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Биз Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг ҳолда, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий Янги Ўзбекистоннинг барпо этиш сиёсатини олиб бормоқдамиз. Бунинг учун ортга қайтмас ислохотларимизни изчил давом эттиряймиз. Устувор мақсадимиз — мамлакатимизда яшайётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон кадри ва фаровонлигини оширишдир”**.

Президентимиз Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон Доха саммитида сўзга чиқиб, глобал ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор тақлиф ва ташаббусларни тақдим қилди. Давлатимиз раҳбарининг нутқида таъкидланганидек, **“Бугунги кунда ижтимоий фаровонлиқни таъминлаш, аҳоли турмушини яхшилаш борасида дунё ҳамжамияти ва миллий ҳуқуматлар биргаликда ҳаракат қилаётгани эътиборга молиқдир. Ўзбекистон барқарор тараққиёт сари барча халқро ҳамкорлик форматлари ва ташаббусларини доим қўллаб-қувватлайди”**.

Янги Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати — юксак босқичда

Янги Ўзбекистон дунёга, дунё эса юртимизга кенг очилмоқда. Минтақамиз ва бутун жаҳонда дўстларимиз, ҳамкорларимиз кўпаймоқда. Ўзбекистон ҳозирги кунда аҳоли сони бўйича жаҳондаги энг йирик 40 та давлатдан бири ҳисобланади. Ойртимиз шиддатли демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда.

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий тузилмаларда фаол иштирок этаётди. 2025 йилда янги ташкил қилинган МДХнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси раиси Ўзбекистонга ташриф буюрди. 2025 йил 21-22 июнь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Ислом ҳамкорлик ташкилоти дунё ўзгариши шароитида” шiori остида ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Ташки ишлар вазирлари кенгашининг 51-сессиясида халқро кун тартибидagi долзарб масалалар муҳокама этилди, Истанбул декларацияси қабул қилинди. Сессиянинг асосий натижаларидан бири 2025 — 2028 йил-



ларга мўлжалланган муддатга ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг тўққиз нафар янги аъзоси сайлови ўтказилгандир. Овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон вакили — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари, профессор Мирзатилло Тиллабоев уч йил муддатга ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясига аъзо этиб сайланди.

Ушбу воқеа Янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқро дипломатияга эгаланган мавқеи тобора ўсиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди ва мамлакатимизнинг кўп томонлама ҳамкорлик, исломий бирдамлик ҳамда асосий эркинликларни ҳимоя қилиш принципларига содиқлигини намойиш этади. Бундан ташқари, бу натижа Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқро институтлар билан ўзаро ҳамкорлигидаги муҳим босқич бўлиб, ИХТга аъзо давлатларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишончидан далолат беради.

Президентимиз Мурожаатномада қайд этганидек, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида аънаваный, кенг қамровли шериклик алоқаларини янада кенгайтиради.

Мамлакатимиз, шунингдек, Халқро валюта жағмармиси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тиланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ва бошқа етакчи молия институтлари билан ҳамкорликда иқтисодиётимизни технология модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, барқарор энергетика ва транспорт лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларни давом эттиради.

Марказий Осиёни тинч ва гуллаб-яшнаётган ҳудудга айлантириш йўлида

Ўзбекистоннинг янги тахрирдаги Конституциясида қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ўзаро ҳамкорлик, қўллаб-қувватлаш, миллатлараро ва конфессиялараро товуллик таъминлаш асосида мустаҳкамлаш белгиланганлиги халқро, минтақавий ҳамда хорижий экспертлар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Турли халқро рейтинг ва индексларда мамлакатимизнинг мавқеи яхшиланяпти. Ўзбекистон раҳбарининг прагматик ташқи сиёсий ташаббуслари бутун дунёда эътироф этилаётди. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда сўнгги йилларда Янги Ўзбекистондаги каби кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмаган. Ўзбекистон лидерининг яхши қўшничилик сиёсати, таъбир жоиз бўлса, минтақавий сиёсатга доир оқилона доктринаси туфайли Марказий Осиё давлатлари ilk бор бугунги кунда долзарб бўлган минтақавий масалаларни очик ва самимий муҳокама қила бошлади.

Евроосиё кенгликларининг нақ “юроти”да жойлашган, табиий ресурсларга бой, инсоният цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳиятига эга Марказий Осиё минтақасида айнаи пайтда турли давлатлар ва куч марказларининг манфаатлари кесилимоқда. Шундоқ ҳам айрим бекарорлик ва қарама-қаршилиқ ўчоқларига туташ бўлган ушбу минтақа яқин ҳамда узок хориждай бераётган мождароларнинг салбий таъсирини ҳам ўзида қис этмоқда. Бундай мураккаб шароитда Президентимиз қатъият билан уқтирганидек, **“Марказий Осиёдаги қўшни давлатларнинг минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтиришдан бошқа йўли йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”**.

Шу ишонч неғизида ўтган йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди. Бугунги кунда ушбу учрашувлар минтақада ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат, яқин қўшничилик ҳамда стратегик шериклик руҳидаги мутлақо янги сиёсий муҳитни шакллантириш, муҳим ҳаётий масалаларни ҳал қилиш ва кўп қиррали ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги мазмун билан тўлдириш борасида самарали платформага айланди.

Натижада халқро сиёсий лўғатда минтақавий тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи ўзиға ҳис моделини акс эттирадиган “Янги Марказий Осиё руҳи” атамаси пайдо бўлди. Бугун биз глобал ва минтақавий сиёсат кун тартибидаги қўллаб долзарб масалалар бўйича ягона позицияда туриб ҳаракат қилмоқдамиз. Натижада Президентимиз қайд этганидек, мамлакатларимиз 2017 йилдан буён Марказий Осиёда тараққиёт ва шериклиқнинг муҳим масалалари бўйича Бирлашган Миллат-

лар Ташкилотининг ўндан зиёд резолюциялари қабул қилинишига эришди. Қисқа даврда дунёда минтақамизга нисбатан ишонч ва ҳамкорликка интилиш кучайди. “Марказий Осиё +” форматида ўндан ортик ҳамкорлик мулоқотлари йўлга қўйилгани буни тасдиқлайди.

Айниқса, мамлакатимиз пойтахтида 2025 йил 16 ноябрда Ўзбекистон Президенти раислигида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви гоят катта тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Айнаи жараёнда “минтақавий ўзига хослик” ва “минтақанинг халқро ҳуқуқий субъект сифатидаги мавқеи” деган янги тушунчалар лўғатимизга кириб келди.

Минтақавий ўзига хосликнинг моҳияти нимада? Ўзбекистон лидери таъбири билан айтганда, бу фарқли жиҳатларимизни эътироф этиш ва айнаи пайтда халқларимизнинг умумий тарихи, муштарак маданиятини, тақдирларимиз ўзаро боғлиқ эканини чуқур англашга асосланди. Қўшничилик — хавф эмас, имконият, бир тарафининг муваффақияти — барчаниннг ютуғи деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳисси шаклланмоқда.

Шундай қилиб, кейинги йилларда Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган тўб ўзгаришлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг катта ютуғидир. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Марказий Осиёни тинч ва гуллаб-яшнаётган ҳудудга айлантириш бундан буён ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади бўлиб қолаверади”**.

Очик ва фаол дипломатия истиқболлари

Яқунига етган 2025 йилда Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида дипломатик муносабатлар географияси сезиларли даражада кенгайди. Расмий маълумотларга кўра, ўтган йил давомида мамлакатимиз Африка, Океания ҳамда Қариб хавзасига мансуб 8 та давлат билан дипломатик муносабатлар урнатди.

Бизнинг таҳминий қўзутовларимизга кўра, Янги Ўзбекистон Президенти 2025 йилда дунёнинг 28 та давлатга расмий ва давлат ташрифларини амалга оширди. Мамлакатимизга келган давлат бошлиқлари, ҳукумат раҳбарлари ва бошқа мўътабар меҳмонлар билан ўтказилган қабуллар сони 23 тани ташкил қилди.

Президентимиз Мурожаатномасида жаҳонда мураккаб геосийсий ва иқтисодий муаммолар тобора авж олиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бундай мураккаб вазиятда Ўзбекистон барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва конструктив муносабатларни янада мустаҳкамлаш, вазмин ҳамда оқилона очик ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган фаолиятини изчил давом эттиради.

Ўз навбатида, Президентимиз Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яқин ва узок истиқболдаги йўналишларини яна бир бор тасдиқлади. Биринчидан, яқин қўшниларимиз билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз. Бунда минтақамиз давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, энергетика, сув, экология, хавфсизлик, маданият ва таълим соҳаларида ҳамкорлиқни янада чуқурлаштирамиз.

Иккинчидан, Афғонистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш, уни минтақадaги иқтисодий жараёнларга кенг жалб қилиш Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолади.

Учинчидан, мамлакатимизнинг асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари, Қатар, Иордания, Кувейт, Ўмон, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларини янада кенгайтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Тўртинчидан, Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари билан янги ва истиқболли йўналишларда манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, Жанубий Кавказ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни кенгайтириш стратегик йўналишларимиздан бири бўлиб қолади.

2025 йил Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида икки ва кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш борасида катта ютуқлар йили сифатида тарихга кирди. Президентимиз 2025 йил 22 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йилбей сессиясида сўзлаган нутқида эътироф этганидек, **“Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очик мулоқот ва яқин шериклик тарафдоридир. Биз халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, умумбашарий мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида ўз ҳиссамизни қўшишга доим тайёрмиз”**.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ҚУДРАТИ

ЖАНГОВАР МЕҲНАТ, ҚАДРИЯТЛАР ВА САДОҚАТ БИЛАН ЯНАДА ЮКСАЛАДИ



Миллий армиямизда хизмат қилаётган ҳар бир жонқуяр офицер, сержант ва аскар ўзининг садоқатини, фидоилигини, мард ва жасурлигини, юртимиз тинчлиги учун чинакам масъулиятини, унийб ўсиб келаётган ёшларга, хонадонида эса фарзандларига, “Устоз — шоғирд” аъналарини ҳарбий жамоаларда тўлақонли амалга оширилишида миллий, маънавий, маданий ва ҳарбий қадриятларимизга таяниб, уларга халқро ва миллий нормаларга мувофиқ ҳаёт кечиришга илҳом беришдир. Бу усулдаги ҳарбий хизмат, жамиятнинг маънавий ривожланишига, ўзлигини англашга ва миллатнинг тақдирига содиқ бўлишга йўналтиради.

Миллий армиямиз ўзини энг яхши кадрлар билан тўлдириш ва бу борада олий мақсадларга эришишга интилади. Ҳозирги кунда миллий армиямиз энг замонавий курол-яроғ, тиббий ҳамда муҳандислик ускуналари ва техникаси билан таъминланиб, замонавий ҳарбий таълим олишга эътибор қаратилмоқда.

Қуролли Қўчаларимиз сафарларида бугунги кунда офицер, сержант ва аскарларимизнинг билим даражаси, уларнинг ҳарбий касбий ва

жанговар тайёргарлиги, тоғ, чўл, сув, шаҳар ҳудуди ва ҳаводаги ҳар хил тактик усулларга, шунингдек, жаҳон майдонларида сунъий интеллект билан боғлиқ уруш учоқлари ривожланиб бораётган бир вақтда унга бўлган имунитетни шакллантириш билан боғлиқ чоралар қўрилайгани, жаҳон майдонида миллий армиямиз обрўини юксалтиришга ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга, миллий армиямизга нисбатан муҳаббат ёш авлод учун намуна бўлиб, уларнинг Ватанга бўлган садоқатини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Миллий армиямизга садоқат, ҳар бир офицер, сержант ва аскарнинг халқимизга бўлган ҳурмат ҳамда эътиромини кўрсатади. Бизнинг миллий армиямиз нафақат белгиланган жанговар хизмат ва узок йиллар давомида ўрганилган иш тажрибаси билан, балки халқимизнинг миллий, маънавий, маданий, тарихий ҳамда ҳарбий қадриятлари ва аъналарини ҳурмат қилиш билан ҳам алоқадор.

Анваржон ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон ҳарбий авиация институтининг катта ўқитувчиси, подполковник.

Интилиш

ДАНҒАРА ИТ АКАДЕМИЯСИ



Данғара туманидаги “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ИТ академияси фаолият бошлади. Жаҳон андозалари бўйича куриб ботқазилган ва энг сўнгги русумдаги ўқув-услубий қўлланмалар, жиҳозлар билан таъминланган нодавлат таълим муассасасида бир пайтнинг ўзида 500 нафар ёш турли машғулотларга жалб этилади. Бунга қўшимча равишда ҳар ойда 200 нафар йигит-қиз ўзи қизикқан тўғарақларга қатнаши мумкин.

Академияда замонавий ахборот технологиялари, дастурлаш, рақамли саводхонлик ва инновация йўналишида билим ҳамда амалий кўникмалар бериб борилади. Бу ерда ёшлар бир неча хорижий тилларни ўрганиш, миллий ва халқро сертификатларни қўлга киритиш учун махсус дастурлар орқали ўқиш имконига ҳақ эга бўлади.

— Эътиборлиси, янги марказда рақамли иқтисодиёт тармоқлари, маҳаллий ва хорижий меҳнат бозори учун малакали мутахассислар тайёрлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган, — дейди Данғара тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Машрабжон Алижонов. — Ўз навбатида, истиқболли лойиҳаларни туманимизда ҳаётга татбиқ этиш, бу борада тадбиркорлик субъектлари, инвесторлар



билан фаол ҳамкорлиқни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда академияда фаолият олиб бориш учун ушбу соҳада кучли билим ва амалий тажрибага эга мутахассислар жалб этиляпти. Яқин келажакда хориждан юқори малакали мутахассисларни тақлиф қилиш ҳам режалаштирилган.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Узунлиги 465 км. бўлган ва электрлаштириш иш

